



ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАНҚИДИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 декабрь куни илм-фан ва инновацияни ривожлантириш борасида олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, тармоқ ва ҳудудлар олдидagi устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда илм-фан ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги тўрт йилда 28 та илмий ташкилот ва 4 та инновацион технопарк ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари академик ва тадқиқотчилар билан бир неча бор учрашиб, улар кўтарган барча масалаларни ҳал қилиб берди. Олимларнинг иш ҳақи 3 баравар оширилди. Илмий ташкилотларнинг моддий-техник базасини янгилаш учун катта маблағлар йўналтирилди.

Бир сўз билан айтганда, соҳа учун ҳам моддий, ҳам ташкилий ҳиҷатдан барча шароит яратилмоқда. Лекин, йиғилишда таъкидланганидек, 100 дан зиёд илмий ташкилот фаолиятида, улар томонидан олиб борилаётган изланишларда хали сезиларли ўзгариш бўлгани йўқ. Масалан, 24 та муассаса ўтган йили халқаро тан олинган журналларда бирорта ҳам илмий мақола чоп этмаган. Инновацион ривожланиш вазирлиги илмдан ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни ўзаро боғловчи яхлит тизим ва муҳит ярата олмаган.

Мисол учун, инновацион ишланмалар учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилаётган бўлса-да, танлов натижаси бўйича бор-йўғи 29 миллиард сўмлик 51 та лойиҳа шакллантирилди, холос. Фанлар академияси тизимидаги 33 та илмий институт томонидан ўтган йили атиги 59 та патент олинган.

Олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар даражасида йўқ паст, илм ва инновация масалалари бўйича масъул проректорлар умуман ишламаётгани қайд этилди.

— Олийгоҳ, илмий ташкилотлар, тармоқ ва ҳудудлар ўртасидаги мулоқот қандай? Бугун кун тартибида мана шу савол турибди. Афсуски, мулоқот талаб даражасида эмас, — деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселектор йиғилишида илм-фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлиқни таъминлаш, илмий институтларга бююртмаларни шакллантириш бўйича долзарб йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлиқни ошириш, ҳудудларни ихтисослаштириш, юқори қийматли маҳсулотларни кўпайтиришга хизмат қиладиган ишланмалар зарурлиги таъкидланди. Чунки ҳудудлар иқлимига мос экан навларини яратиш, сифатли уруғлик тайёрлаш ишлари мутлақо қоникарсиз ахволда. Охириг икки йилда 108 миллион долларлик қўчат ва уруғлар импорт қилинган. Бу йил биргина картошка уруғининг импорти ўтган йилгига нисбатан 2 баравар ошган.

Ҳудудларда хусусий уруғчилик корхоналари ташкил этиш, чет элдан бозорбоп навларни олиб келиб, маҳаллий шароитларга мослаштирган ҳолда, уруғ брендлари яратиш зарурлиги таъкидланди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигида экинларнинг янги авлод гибрид уруғларини етиштириш

ва уруғшўнослик лабораториялари ташкил этиш вазифаси топширилди.

Сув хўжалиги соҳасидаги муаммоларни ҳам илмий ечимлар орқали ҳал қилиш мумкин. Хусусан, сўғоришда сув тежовчи технологияларни қўллаш кенгайиб бормоқда. Лекин бунда ўғитларни тўғри эритиш, сўғориш вақтини аниқлаш, муддатиде техник хизмат кўрсатиш бўйича тизим ташкил этилмаган. Ёмғирлатиб сўғориш бўйича илмий тадқиқотларни амалиётга жорий этиш ҳам оқсамоқда.

Шу боис, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида сув тежовчи технологияларга хизмат кўрсатадиган қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Хорижий молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган ирригация объектиларини лойиҳалаштириш ишларига чет эллик мутахассислар билан бирга, маҳаллий олимларни ҳам жалб қилиш муҳимлиги қайд этилди. Мисол учун, Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқариш бўйича 215 миллион долларлик лойиҳанинг 8 миллиони илмий изланишларга йўналтирилган.

Хоразмда ташкил этилган Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази орқали вилоятдаги ирригация иншоотларини қайта лойиҳалаштириш, сув ресурсларини тўғри режалаштириш лозимлиги таъкидланди.

Илм-фан натижалари кимё саноати ва нефть-газ тармоқлари учун ҳам жуда зарур. Мамлакатимиз кўп миқдорда кимёвий реагентлар, полимерлар ва бошқа маҳсулотларни импорт қилаётгани бу борадаги ахволни яққол кўрсатади.

Шу муносабат билан хорижий тажриба асосида нефть ва табиий газни чуқур қайта ишлаб, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар тайёрлайдиган марказ ташкил этиш вазифаси қўйилди. Кимё саноатига зарур реагентлар учун илмий институтларга бююртмалар бериш ва уларни ишлаб чиқаришга грант ажратиш муҳимлиги таъкидланди.

Яна бир масала — бугунги кунда Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатларида 3 миллиард тоннага яқин техноген чиқиндилар йиғилиб қолган. Йилгига уларнинг 20 миллион тоннаси қайта ишланса, 2 тонна олтин, 8 тонна қумуш, 10 минг тонна мис ҳамда вольфрам, молибден каби нодир металллар олиш мумкин. Мутасаддиларга шу борада аниқ кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев энергетика тармоғидаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратди.

Бу соҳада 3 та олийгоҳ, 2 та илмий ташкилот, ўнлаб олимлар бўлса-да, муаммоларни ҳал қилишда ўрни сезилмаяпти. Йирик корхоналарда ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини таҳлил қиладиган илмий тадқиқотлар йўқ.

Мисол учун, бир йилда 100 миллион киловатт соат электр ишлатадиган Тошкент қувур заводи ўрганилганда, жараёнларни оптималлаштириш ҳисобида 20 миллион киловатт соат энергияни иқтисод қилиш мумкинлиги аниқланган. Бунинг ҳисобидан қанчадан-қанча хонадонларга ёруғлик етказиш мумкин.

Шу мақсадда иссиқлик электр станциялари, “Навоийазот”, “Фарғонаазот”, “Қизилқумцемент”, “Бекободцемент”, “Қувасойцемент” каби йирик корхоналарда илмий ташкилотлар билан бирга электр энергияси сарфини оптималлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, ҳар йили газ транспорт тизими ва йирик саноат корхоналаридан чиқаётган иккиламчи газлар 730 мегаватт электр энергия салохиятига эга бўлиб, бу имкониятдан умуман фойдаланмай келинмоқда. Шундай экан, илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда Муборак, Шўртан ва Газли конларида йўлдош газлардан электр энергияси олиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Фармацевтика саноати импорт субстанцияларига боғланиб қолган. Аслида, мамлакатимизда уларни ишлаб чиқариш учун илмий салоҳият мавжуд. Мисол учун, Ўсимлик моддалари кимёси институти ўтган икки йилда Россия, АҚШ ва Францияга 4 миллион долларлик субстанция экспорт қилган. Мазкур институтда доривор ўсимликлар таркибини ўрганиш ва стандартлаштириш бўйича махсус лаборатория ҳамда клиникагача тадқиқотлар маркази ташкил этиш, олимларга грантлар ажратиш чоралари белгиланди.

— Бир нарсани бишимиз керак: илмсиз, инновациясиз олдимизга қўйган мақсадларга ҳеч қачон эриша олмаимиз. Ҳисобот учун эмас, натижа учун ишлаш керак, — дея таъкидлади Президент.

Хорижий клиникалар билан ҳамкорликда Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида жигар, буйрак, илик трансплантациясини, Республика кардиология марказида юрак билан боғлиқ инновацион амалиётларни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Илм-фани ишлаб чиқариш билан боғлаш учун технопарклар имкониятидан кенг фойдаланиш лозимлиги айтилиб, бу борада олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва Инновацион ривожланиш вазирлигига тегишли кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда илм-фан ва олий таълим муассасалари, тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари келгуси йили қайси йўналишларда илмий лойиҳаларни амалга ошириши ва қандай натижаларга эришиши юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ер участкалари ва мол-мулкни солиққа тортишни янада такомиллаштириш, уларни баҳолаш ва ҳисобини юритишда замонавий усулларни жорий қилиш, ер ва сув ресурслари, ер қаъридан қазиб олинадиган фойдали қазилмалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини янада ошириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг **2021 йил 1 январдан** бошлаб қуйидаги тартибни жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашилари Солиқ кодекси билан белгиланадиган солиқ

ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб **ер солиғи ставкасига 0,5 дан 2,0 гача** камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда **ер солиғи ставкаларини белгилайди;**

туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашилари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашилари томонидан белгиланган, Тошкент шаҳри бўйича эса — Солиқ кодексида белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, мавзе, маҳалла, қўча кесимида **0,7 дан**

3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилади.

2. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгариш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлашда ер солиғи ставкаларини республиканинг ҳудудлари кесимида назарда тутсин. Бунда, 2021 йилда солиқ юқининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида қуйидагилар белгилансин:

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3 бараваридан** ошмаслиғи лозим;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ САРАЛАБ ОЛИШ ТИЗИМИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитлар яратиш, улғайиб келаётган ёш авлодининг илм-фанга бўлган интилишларини рағбатлантириш, интеллектуал ва иқдорий салоҳиятини рўёбга чиқариш борасидаги ислохотларни тизимли амалга ошириш, шунингдек, академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари **Ў.Р. Саломов** ҳамда ҳузурида академик лицейлар мавжуд бўлган **олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари)** иқтидорли

ёшларни **академик лицейларга саралаб олиш** тизимини самарали ташкил этиш, академик лицейларда **таълим сифатини мунтазам ошириб бориш**, ўқув жараёнига замонавий **педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини** татбиқ этиш учун **шахсан масъул ва жавобгар** этиб белгилансин.

Ҳузурида академик лицейлар мавжуд бўлган **олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари):** тегишли академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш учун **илғор хорижий мамлакатлар** малакали **экспертларини** жалб қилсин;

академик лицей ўқувчиларининг **камида битта хорижий тилини пухта ўзлаштириб чиқиши** учун дарс машғулотларига юқори малакали педагоглар жалб қилиниши ва зарурий шароитлар яратилишини таъминласин;

олий таълим муассасалари проректорлари (филиал директори ўринбосарлари)ни **ўз йўналишлари бўйича академик лицейлар фаолиятига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва назорат қилиш** учун масъул этиб белгилансин;

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиғи соҳасида юқори малакага эга олий маълумотли кадрларни тайёрлаш, ходимларни касбий ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда тиббиёт ташкилотлари, шу жумладан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини профессионал мутахассислар билан таъминлаш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг:

Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали негизида **Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтини** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш;

Фарғона вилояти юқумли касалликлар шифохонасини **Институтнинг клиник базаси** этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар **Институт фаолиятининг асосий** йўналишлари этиб белгилансин:

соғлиқни сақлаш ҳамда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги муассасалари учун **тор соҳадаги мутахассисликлар** бўйича шифокорларни тайёрлашни ташкил этиш;

етақчи хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда малакали мутахассисларга эҳтиёж юқори бўлган соҳалар учун **қўшма таълим ва академик мобиллик дастурлари** асосида кадрлар тайёрлаш;

Давоми 2-бетда

Интервью

ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯ — ОЛДИМИЗГА ҚЎЙИЛГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Иқтисодиётни жадал ривожлантиришда илм-фан ютуқларидан унумли фойдаланиш, молиявий самарадорлиги юқори бўлган ишланмаларни тижорийлаштириш орқали саноатга фаол жалб қилиш, бу ўринда илмий муассасалар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги интеграцияни таъминлаш мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи муҳим йўналишлардан биридир. Кўни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида илм-фан ва инновацияни ривожлантириш борасида олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, тармоқ ва ҳудудлар олдидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мазкур йўналишда бажарилган ишлар таҳлил қилинди.

Давоми 5-бетда



8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 67-модда.

СЎЗ ВА МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ — ЎЗБЕКИСТОН СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Халқаро пресс-клубда “Конституция ва қонунчиликда сўз ҳамда матбуот эркинлиги. Ўзбекистонда ОАВни ривожлантириш жараёнлари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари масъуллари иштирок этиб, мавзу юзасидан Ўзбекистондаги бугунги вазият ҳақида фикрларини билдирди.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ЯНАДА

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3 баравари**дан ошмаслиги лозим.

3. Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 2021 йилда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиқларини янада такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари маъқуллансин:

деҳқон хўжаликлари ва мева сабзавотчилик қишлоқ хўжалиғи корхоналарига ер солиғини ҳисоблашда ер солиғи ставкасини қишлоқ хўжалиғига мўлжалланган ерлар учун ўрнатилгандек белгиллаган ҳолда, жойлашган жой ва етиштириладиган қишлоқ хўжалиғи экин турлари коэффициентлари ҳамда қишлоқ хўжалиғи экинзорлари норматив қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаш тартибини жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиғи учун мўлжалланган ерларга солиқ солиш тартибини бирхиллаштириш;

барча турдаги чиқиндиларни сақлаш ва уларни утилизация қилиш учун ажратилган ер участкаларини юридик шахслардан олинадиган ер солиғи учун солиқ солиш объектидан чиқариш;

тегишли сувни ҳисоблаш ҳисоблагичлари мавжуд бўлганда, ишлаб чиқариш жараёнида агрегатлари (турбиналари) совутиш учун сувдан фойдаланувчи юридик шахсларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиққа тортиш базасини табиий сув объектиридан олинган ва табиий сув объектиларига қайтариб ташланган **сув ҳажми ўртасидаги фарқдан** келиб чиқиб ҳисоблаш;

коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини 2020 йил даражасида сақлаб қолиш, қишлоқ хўжалик ерларини сўғориш ва балиқларни кўпайтириш (етиштириш) учун фойдаланилган сув ҳажми қисмида эса, шу жумладан, деҳқон хўжаликларига 1 куб метр учун 40 сўм миқдорида ягона солиқ ставкасини белгिलाш;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда турли

мақсадларда фойдаланиладиган сув ресурслари ҳажмининг ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш тартибини киритиш;

ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан солиқ органларига фойдали қазилмалар захираси ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича йиллик солиқ ҳисоботини тақдим этиш билан бир вақтда, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон кўринишда тақдим этиш тартибини белгिलाш.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (Б.Ф.Исламов) Молия вазирлигига республика ҳудудида фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун бериладиган лицензиялар мониторинги асосида улар бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини белгिलाшга доир таклифларни киритиб борсин.

4. Давлат солиқ қўмитасига фойдали қазилмаларни ҳақиқий қазиб олишга нисбатан қўлланиладиган ва фойдали қазилмаларни меъёрдан ортиқ йўқотиш тўғрисидаги геологик-маркшейдерлик маълумотларининг ҳаққонийлигини назорат қилиш учун зарур ускуналарни харид қилган ҳолда вилоятлар солиқ бошқармаларининг штат бирикларни доирасида 3 штат бирилигига маркшейдерларни жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

Давлат солиқ органларига ваколатли орган ва судларга ер қаъридан фойдаланувчи томонидан солиқ қонунчилиги мунтазам равишда бузилган ва (ёки) фойдали қазилмалар захираси ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилмаган тақдирда лицензияни қақрииб олиш ёки тўхтатиб туриш масаласи бўйича ташаббус билан чиқиш ваколати берилсин.

5. 2021 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудларидан ташқари, тадбиркорлик субъектлари томонидан “Хавфсиз дарё” ДУКга дарё ўзанларини тозалаш натижасида олинган кум-шағал материалларининг ҳар бир куб метри учун тўлов миқдори шартнома тузилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизидан 0,1 фоизига туширилсин.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) манфаатдор идоралар билан биргаликда норуда фойдали қазилмалари конларини ўзлаштириш ва уларнинг самарали қазиб олинишини таъминлаш мақсадида норуда фойдали

қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини қайта кўриб чиқсин.

6. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 июлига қадар** илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ўрмон хўжаликлари, балиқ овлаш хўжаликлари, овчилик хўжаликлари, шунингдек, истироҳат боғларини солиққа тортиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг **мол-мулк ва ер солиқларини кўчмас мулк** (бино, иншоот ва ер участкалари) **объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида ҳисоблаш тизимини босқичма-босқич жорий** этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, кўчмас мулк объектиларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш тизими икки босқичда жорий этилади:

биринчи босқичда (2021-2023 йиллар) — кўчмас мулк бўлган турар жой фонди объектлари (квартира, якка тартибдаги уй-жойлар, дала-ҳовли), шунингдек, ушбу объеклар эгаллаган ер участкаларига нисбатан;

иккинчи босқичда (2022-2024 йиллар) — яшаш учун мўлжалланмаган алоҳида кўчмас мулк объектлари, шунингдек, ушбу объеклар эгаллаган ер участкаларига нисбатан.

8. Вазирлар Маҳкамаси (Ж.А.Қўқоров), Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Кудбиев), зарурат туғилганда хорижий экспертларнинг хизматиغا Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаган ҳолда уларни жалб қилиш орқали:

а) кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ва кадастр тизимини модернизация қилиш учун Жаҳон банкидан имтиёзли кредитлар жалб қилинишини;

б) **2021 йил 1 апрелга қадар** халқаро молия институтлари экспертлари билан биргаликда кўчмас мулк объектиларига солиқ солишни янада такомиллаштириш бўйича ер солиғи ва мол-мулк солиғини ўрнига кўчмас мулк солиғини киритишни назарда тутувчи

“Йўл харитаси” ишлаб чиқилиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

в) кўчмас мулк объектининг (бино, иншоот ва ер участкалари) юридик ёки жисмоний шахс эгалигида бўлиши эмас, балки уларнинг кадастр қийматидан ва объектнинг фойдаланиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда солиқ солиш тартиби бирхиллаштирилиши ва ер солиғи бўйича адвалор ставка киритилишини;

г) белгиланган тартибда қуйидаги лойиҳалар киритилишини:

2021 йил 1 августга қадар — кадастр қийматини максимал даражада бозор баҳосига яқинлаштиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, турар жой фонди кўчмас мулки объектиларнинг кадастр қийматини аниқлаш тартибини такомиллаштириш ҳамда якка тартибдаги уй-жой куриш ва уй-жойга хизмат кўрсатиш объектилари билан банд бўлган ер участкаларининг кадастр (бозор) қийматини аниқлаш тартибини киритиш бўйича ҳукумат қарори;

2021 йил 1 ноябрга қадар — яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектилари ва ушбу объектлар билан банд бўлган ер участкаларининг бозор баҳосига максимал даражада яқинлаштирилган кадастр қийматини аниқлаш механизмини киритиш тўғрисида ҳукумат қарори;

2021 йил 1 декабрга қадар — фойдаланишга рухсат этилган ер участкалари турлари классификаторлари ва уларга бўлган ҳуқуқларни тугатиш учун асосларни назарда тутувчи Ер кодексининг янги таҳрири;

д) 2021-2022 йилларда республиканинг қуйидаги “тажриба-синов” ҳудудларида ер участкаларидан фойдаланилишига ва капитал курилиш объектиларининг белгиланган мақсадига қараб кўчмас мулк объектиларининг бозор қийматиға асосланган кадастр қийматини аниқлаш бўйича эксперимент ўтказилишини таъминласин:

турар ва нотурар (тижорий) жойларга

мўлжалланган кўчмас мулк объектилари — Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани; саноат объектилари — Навоий вилояти Навоий шаҳри;

рекреацион зоналар ва алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар объектилари — Тошкент вилояти Бўстонлик тумани;

қишлоқ хўжалиғига мўлжалланган объектилар — Бухоро вилояти Ромитан тумани.

Молия вазирлиги 2021-2024 йиллар давомида юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулкларни баҳолашни ўтказиш учун Давлат солиқ қўмитасининг асослантирилган ҳисоб-китобларига кўра, Давлат бюджетидан маблағ ажратиб борсин.

9. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Х.С.Тўрахўжаев) 2022 йил 1 январга қадар кўчмас мулк объектиларининг кадастр қийматини уларнинг бозор баҳосига асосланган ҳолда аниқлаш, ҳар бир эгалик қилувчига (фойдаланувчига) тегишли бўлган кўчмас мулк объектилари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотлар базасини яратиш учун ахборот тизимини такомиллаштириш, кўчмас мулк объектиларини уларнинг бозор баҳосидан келиб чиққан ҳолда сифатли баҳолашдан ўтказиш методикасини ишлаб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 августдаги “Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ—4816-сон қарорининг 1-банди бешинчи хатбошидаги “сув ресурсларидан” сўзларидан олдин “2020 йилда” сўзлари билан тўлдирилсин.

11. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 3 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИ

ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассислар тайёрлаш жараёнига **илғор ва масофавий таълим технологияларини** кенг жорий этиш, юқори малакали **профессор-ўқитувчиларни** жалб этиш, электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш;

илмий-педагогик салоҳиятнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, педагогик технологиялар ва қўлатиш усулларини фаол такомиллаштириш;

соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлигини, касалликлар профилактикаси, паразитология, микробиология, вирусология, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш масалалари бўйича истиқболли **инновацион, амалий ва фундаментал илмий-тадқиқот ишларини** амалга ошириш, шунингдек, уларнинг натижаларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратиш;

бириктирилган Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежлари дастурларининг **узлуksизлиғи** ва **изчиллигини** таъминлаш, улар фаолиятини самарали ташкил қилиш, илмий-услубий ёрдам кўрсатиб бориш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи тиббиёт ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари билан таълим ҳамда илм-фан соҳаларида узоқ муддатли ҳамкорликни **мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;**

моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.

3. Белгилансинки:

Институт **давлат олий таълим муассасаси** ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг

Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобварағига, шу жумладан, хорижий валютадаги ҳисобварақларига эга бўлади;

Институт **Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали**нинг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича **ҳуқуқий вориси** ҳисобланади;

Институтга қабул ҳар йили белгиланадиган Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг **давлат буюртмаси параметрлари** доирасида ва **қўшимча қабул параметрларидан** келиб чиққан ҳолда амалга оширилади;

Институт Фарғона вилоятидаги Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежларида аниқ фанлар бўйича дарс машғулотларини олиб борувчи ўқитувчиларга доимий равишда **илмий-услубий ёрдам кўрсатиб боради**.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (**А.Ш. Иноятов**) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (**У.Ш. Бегимкулов**) уч ой муддатда Институтга юқори салоҳиятга, жумладан, фан номзоди, фан доктори илмий даражасига эга бўлган профессор-ўқитувчиларни жалб қилсин.

5. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети, талабаларнинг тўлов-контракт асосида таълим олишидан, шартномалар асосида хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар, халқаро молия ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (**А.Ш. Иноятов**) икки ой муддатда:

Институтда **ўқув-методик жараённи ташкил этиш**, белгиланган тартибда штатлар

жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, зарур жиҳозлар билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Институт **ахборот-ресурс марказини** қўшимча ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар билан бойитиш;

Институт **кафедраларини** йўналишига мос ҳамда имконияти кенг бўлган Фарғона вилоятида жойлашган давлат тиббиёт ташкилотларида жойлаштириш;

республикадаги тиббиёт олий таълим муассасалари ва бошқа хорижий тиббиёт олий таълим ташкилотларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Институтда **онлайн маъруза ўтказиш ва масофавий таълим технологиясини жорий этиш** учун телекоммуникация жиҳозлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси:

Институтни салоҳиятли профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш мақсадида етакчи олий таълим муассасаларида тегишли соҳалар бўйича 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб бакалаврият таълим йўналишлари, клиник ординатура, магистратура мутахассисликлари ва 2021 йилдан бошлаб таянч докторантурада кадрларни мақсадли тайёрлаш;

илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, кадрлар буюртмачиси бўлган ташкилотларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича фан дастурларини такомиллаштирилган ҳолда қайта кўриб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш;

бошқариш тизими самарадорлиги ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган

шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлиғига ҳолисона баҳо бериш; истиқболли қўшма таълим дастурларини ташкил этиш, ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш, хорижий профессор-ўқитувчилар ва ватандошларни жалб этиш чораларини кўрсин.

8. Иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (**А.М.Бобоев**) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Институтнинг бино ва иншоотларини куриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш лойиҳалари **Ўзбекистон Республикасининг 2021–2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига белгиланган тартибда киритилишини** таъминласин.

9. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (**О.А.Пекось**) Институт мурожаатига мувофиқ уни белгиланган тартибда юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига улаш чораларини кўрсин.

10. Фарғона вилояти ҳокимлиги (**Х.Х.Бозаров**) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (**А.Ш.Иноятов**) билан биргаликда Институт фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида жалб этиладиган малакали профессор-ўқитувчиларни хизмат уйлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ — 4310-сон қарорига

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2020 йил 3 декабрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ САРАЛАБ ОЛИШ ТИЗИМИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

 Бошланиши 1-бетда

олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, шу жумладан, раҳбар ходимлари белгиланган тартибда **академик лицейларнинг дарс машғулотларига** жалб қилинишини таъминласин;

академик лицейларнинг **таълим инфратузилмаси** мунтазам равишда ривожлантириб борилишини ташкил этсин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар (бундан Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия мустасно) тизимидаги олий таълим муассасалари, шунингдек, хорижий олий таълим муассасалари хузуридаги **академик лицейларда** (қарор бўйича матнда — академик лицейлар) ўқувчи ёшларга таълим беришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни **академик лицейларга саралаб олиш, чуқурлаштирилган таълим дастурлари асосида ўқитиш**; ўқувчи ёшларда **кенг дунёқараш, интеллектуал салоҳият, иқодий ва таҳлилий фикрлашни** ривожлантириш, **илм-фанга бўлган қизиқишни ошириш**, уларнинг фан олимпиадаларидаги иштирокини кенгайтириш;

ўқувчиларни амалга оширилаётган **ислохотларнинг** фаол иштирокчисига айлантириш, **ватанпарварлик, изланувчанлик ва яратувчанлик руҳида** тарбиялаш;

академик лицейларда таълим сифатини яхшилаш, замонавий **ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустақам интеграциясини таъминлаш**, ўқувчиларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, уларни **“устоз-шогирд” тизими асосида** тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали **мутахассисларга бириктириш**;

таълим жараёнини мазмунли ва самарали ташкил этиш учун **педагоглар малакасини ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш** тизимини **ислоҳ қилиш**; замонавий таълим инфратузилмаси талабларидан келиб чиқиб, академик лицейлардаги мавжуд **моддий-техник базани мустаҳкамлаб бориш, билимларни мустақил шакллантириш учун шароит ва имкониятларни кенгайтириш**.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ў.Р.Саломов) уч ой муддатда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, шу жумладан, қуйидагиларни назарда tutувчи **ўқув меъёрий ҳужжатларни** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин: умумтаълим фанлар соати ҳисобига чуқурлаштирилган фанлар соатини ошириш ҳамда улар улушини камида **50 фоизга** етказиш;

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартида 10-11-синф ўқувчилари умумтаълим тайёргарлигига қўйилган мажбурий талабларни шакллантириш билан бирга уларнинг иқтидорини ҳар томонлама ривожлантириш имконини берувчи **ўқув дастурлари** асосида ўқитиш тартибини жорий этиш; таълим босқичлари узлуксизлигини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларининг турдош таълим йўналишларида **такроран ўқитиладиган фанларни** академик лицейлар ўқув дастуридаги тегишли фанлар билан **унификация қилиш**.

4. Белгилаб қўйилсинки, академик лицейларда ўқиш даврида **унификация қилинган фанларни** ўзлаштирган, олий таълим муассасаларида талабаликка қабул қилинган таълим олувчилар учун **ушбу фанларни ўзлаштириш ихтиёрий ҳисобланади**.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ў.Р.Саломов) унификация қилинган фанлар бўйича дарс машғулотлари тегишли олий таълим муассасалари **профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилишини** таъминласин.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тизимида олий таълим муассасалари ҳамда академик лицейлар мавжуд бўлган вазирлик ва идораларнинг **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб**:

академик лицейларга иқтидорли ёшларни саралаб олиш механизминини 1-иловага мувофиқ жорий этиш;

тажриба тариқасида, рўйхати 2-иловада келтирилган академик лицейларга Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази томонидан махсус ҳудудларда ўтказиладиган **тест синовлари** билан биргаликда **дастлабки ёзма имтиҳон** асосида иқтидорли ёшларни саралаб олишнинг икки босқичли тизимини (кейинги ўринларда — икки босқичли тизим) амалга киритиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин. Бунда, 1-иловада назарда тутилган фан олимпиадалари, танлов ғолиблари ва фанларни ўзлаштириш сертификатига эга бўлганлар учун имтиёзлар мазкур академик лицейларга ўқишга қабул қилишда ҳам инобатга олинishi белгилансин.

6. Белгилаб қўйилсинки: академик лицейларга ҳужжат топширувчиларни **рўйхатдан ўтказиш Ягона интерактив давлат хизматлари портали** ҳамда **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти** орқали амалга оширилади;

академик лицейнинг тегишли йўналишида ўқиш учун келиб тушган аризалар сони белгиланган қабул параметрига **2:1 нисбатдан кам** бўлган ҳолларда мазкур йўналиш бўйича қабул параметрлари тегишли ўқув йили учун аризалар сонига нисбатан **икки баравар** қисқартирилади, бундан мазкур йўналиш учун бир академик гуруҳ ўқувчилари сонига тенг бўлган ҳоллар мустасно;

икки босқичли тизимда дастлабки ёзма имтиҳон кириш тест синовларидан аввал бўйсунуви бўйича тегишли олий таълим муассасаси назорати остида академик лицей томонидан ўтказилади ҳамда унинг яқунлари бўйича ўқувчиларни кириш тест синовларини топширувчилар рўйхатига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади;

икки босқичли тизимда дастлабки ёзма имтиҳонни ўтказиш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари бўйсунуви бўйича тегишли олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан тасдиқланади ҳамда 2021 йил 1 февралга қадар **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий веб-сайти** ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ў.Р.Саломов) Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Таълим инспекцияси) (У.Н.Ташкенбаев), тизимида олий таълим муассасалари ҳамда академик лицейлар мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 15 декабрга қадар тажриба натижаларидан келиб чиқиб барча академик лицейларга икки босқичли тизим асосида қабул қилиш тартиби тўғрисида асослантилрган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Иқтидорли ёшларни саралаб олиш ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича комиссия 4-иловага мувофиқ таркибда тузилсин. Қуйидагилар академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг (Ў.Р.Саломов) асосий вазифалари этиб белгилансин:

академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш соҳасидаги дастурларнинг ишлаб чиқишини ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

ўрта махсус таълим соҳасида иштирок этувчи вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини **мувофиқлаштириш ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш**;

жамоатчилик фикрини ўрганиш, илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш, педагоглар ва ўқувчилар ўртасида **сўровлар ўтказиш** асосида академик лицейларда таълим сифатини ошириш ва инфратузилмасини яхшилаш, таълим жараёнига ахборот технологияларини татбиқ этишга доир **чора-тадбирлар ишлаб чиқишини ва бажарилишини ташкил этиш**;

академик лицейларда таълим фаолиятининг ташкил этилиши, улар фаолиятини бошқариш тизимининг самарадорлиги, яратилган шароитлар, қўлланаётган таълим тарбия усулларининг таъсирчанлигини **мунтазам равишда ўрганиб бориш ва баҳо бериш**;

академик лицейларда **таълим сифатига, жумладан, улар рейтингига оид кўрсаткичларни танқидий таҳлил қилиш** ҳамда улар юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **ҳайъатига таҳлилий ҳужжатлар киритиш**;

ўрта махсус таълим соҳасидаги **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва ишлар самарадорлигини ошириш** юзасидан таклифлар тайёрлаш;

мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар **ижросини тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида** ташкил этиш.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ў.Р.Саломов) ҳамда хузурида академик лицейлар мавжуд бўлган олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари):

2021 йилдан бошлаб **илғор хорижий мамлакатлар**, шу жумладан, **Финляндиянинг** малакали **экспертларини** жалб қилган ҳолда ҳар йили **академик лицейлар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган “Йул харита”сини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

“Йул харита”си ижросини **хорижий экспертлар иштирокида** мунтазам равишда **мониторинг қилиб борсин** ҳамда аниқланган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўрсин;

академик лицейларда ҳар ойда камида

бир маротаба бевосита олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан академик лицей ходимлари ва ўқувчилари иштирокида “**ректор соати**” ўтказиб борилишини ташкил қилсин;

тизимида академик лицейлар мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда академик лицейларга **илмий-методик** ёрдам кўрсатиш, **ўқув-тарбия жараёнини сифатли** ташкил этиш, **таълим сифатини** тубдан яхшилаш, **илғор педагогик** технологияларни жорий этиш мақсадида олий таълим муассасаларининг **тегишли кафедраларини академик лицейлар таълим йўналишларига бириктирсин**;

бириктирилган кафедралар профессор-ўқитувчилари томонидан **унификация қилинган фанлар бўйича дарс машғулотларини** олиб бориш, **илғор ўқитиш услубларини** академик лицей таълим жараёнига мос равишда татбиқ этиш ҳамда **маҳорат дарсларини** ўтказиш, **лицей ўқувчилари ва ўқитувчилари ўртасида танловлар ўтказиш**, ўқувчиларнинг **илм-фан, инновация ва рационализаторлик** қобилиятларини ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилсин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

академик лицейлар фаолияти йилига камида **икки маротаба** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг **ҳайъат йигилиши** ҳамда олий таълим муассасаларининг **илмий кенгашида** кенг муҳокамадан ўтказилади;

олий таълим муассасаларининг **ўқув ишлари учун масъул проректори (филиал директори ўринбосари)** бир вақтнинг ўзига **академик лицей директори** ҳисобланади. Бунда, олий таълим муассасаларининг **ўқув ишлари учун масъул проректор (филиал директори ўринбосари)**ларига нормативларга мувофиқ белгиланадиган устамаларга қўшимча равишда олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий лавозим маошига нисбатан ҳар ойлик **20 фоиз устамат** қўйиладиган;

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази томонидан чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини бериш бўйича академик лицейларнинг **иккинчи босқич ўқувчилари** учун тўрттинчи семестр давомида бепул тест синовни ташкил этилади;

олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинмаган ҳамда касб-хунар эгаллаш ис-тагида бўлган **академик лицей битирувчилари бўйсунуви бўйича олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари** маблағлари ҳисобидан касб-хунарга ўргатиш курслари (марказлари)да ўқитилади. Бунда, тегишли олий таълим муассасалари **ректорлари (филиал директорлари)** ушбу битирувчиларга **касб-хунар ўргатиш ишларини** ташкил қилиш ва уларга ҳар томонлама қўмаклашиш учун масъул эканлиги белгилан қўйилсин.

12. Академик лицейларга ходимларни педагогик фаолиятга жалб этиш учун белгиланган **камида 5 йил узлуксиз педагогик иш стажига эга бўлиш** тўғрисидаги талаб бекор қилинсин.

13. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

а) Таълим инспекцияси (У.Н.Ташкенбаев) **академик лицейларнинг**, шу жумладан, қуйидаги йўналишлардаги фаолиятини қамраб олувчи **рейтингини** ишлаб чиқсин ва унинг шаффоф тарзда юритилишини таъминласин: академик лицейга ўқишга кириш учун ҳужжат топширган талабгорлар сонининг мазкур лицей учун белгиланган қабул параметрига нисбати (рақобат кўрсаткичи);

олий таълим муассасаларига қабул қилинган ўқувчилар улуши;

рейтинг аниқланган йилда нуфузли халқаро ва республика фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида ғолиб бўлган (совринли ўринларни қўлга киритган) академик лицей ўқувчилари улуши;

чет тили ва фанларни билиш даражаси тўғрисидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган ўқувчилар улуши;

илмий даражали, чет тили ва фанларни билиш даражаси тўғрисидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган асосий штадаги педагоглар улуши;

хорижий педагоглар, шунингдек, халқаро эътироф этилган ташкилотлар – Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities рейтингларида биринчи 1 000 та ўринни эгаллаган олий таълим муассасалари дипломларига эга бўлган маҳаллий педагоглар улуши;

б) рейтинг натижалари бўйича узлуксиз **3 йил давомида таълим сифатига оид кўрсаткичларида** салбий динамика кузатилган сўнгги **5 та ўриндан бирини** эгаллаб келган **академик лицейлар бошқа олий таълим муассасаси тасарруфига ўтказилади ёки бошқа турдаги таълим муассасаси сифатида қайта ташкил этилади**.

14. Иқтидорли ёшларни олий таълим

муассасаларига жалб қилиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида **олий таълим муассасалари хузурида янгидан ташкил этиладиган ихтисослаштирилган мактаб ва академик лицейлар рўйхати** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, олий таълим муассасалари хузуридаги ихтисослаштирилган мактаб директорлари бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда олий таълим муассасасининг ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Қуйидагилар янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган мактаб ва академик лицейлар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятдан тушадиган маблағлар;

юрдик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

15. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим инспекцияси ҳамда Республика олий таълим кенгашининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

дарс машғулотларини, шу жумладан, республика ёки хорижий таълим муассасаларининг юқори малакали педагоглари иштирокида онлайн тарзда ўтказиш;

академик лицейлар базасида ушбу **лицейларга ўқишга тайёрлаш**, компьютер саводхонлигини ошириш, **касб-хунар**, жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ёрдамида хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) орқали ўзини ўзи банд қилиш (фрилансинг)ни ўргатиш бўйича таълим хизматларини, ёзги ва қишки мактабларни ташкил этиш;

пуллик таълим хизматларини кўрсатиш учун муаллифлик методикалари асосида ишлаб чиқилган, бўйсунуви бўйича тегишли олий таълим муассасалари кенгаши қарори билан чоп этилишига рухсат этиладиган тайёрлов ўқув адабиётларини яратиш.

16. Академик лицейларга **бюджетдан ташқари**, шунингдек, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан:

иқтидорли педагогларнинг хорижий мамлакатлар таълим муассасаларида ўз мутахассислиги бўйича **қисқа муддатли малака ошириш**, шу жумладан, **онлайн курсларда ўқиш** билан боғлиқ **харажатларни тўлиқ ёки қисман қоплаш**;

юқори малакали, шу жумладан, хорижий мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиш, алоҳида ютуқларга эришган педагог ва ходимларга **устамалар** ҳамда **моддий рағбатлантиришининг бошқа турлари** миқдорларини мустақил белгилаш ва тўлаш;

иқтидорли, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бўлган **ўқувчиларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш**;

моддий-техник базани мустаҳкамлаш, канцелярия жиҳозлари, дастурий маҳсулотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситаларини харид қилиш, тайёрлов ўқув адабиётларини нашр этиш, лицейлар веб-сайтларини яратиш ва таъминлаб бориш, масофавий таълим технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳукуқи берилсин.

Зарур ҳолларда, олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўз тизимидаги академик лицейларни ушбу бандда кўрсатилган харажатларни **биргаликда молиялаштиришга** рухсат берилсин.

17. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **2021 йил 1 январдан бошлаб** академик лицей педагоглари ва ходимларининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида:

академик лицей педагог ва ўқув-ёрдамчи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда Халқ таълими вазирлиги тизимидаги **айрим фанларга ихтисослаштирилган мактабларнинг тегишли ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари** қўлланилади;

академик лицей директорининг **ўқув-тарбия жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ўринбосарларининг** базавий лавозим маошларига **20 фоиз** миқдориди ҳар ойлик **устамалар** тўланади;

б) бўйсунуви бўйича тегишли олий таълим муассасасининг молиявий имкониятидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари, жумладан,

тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан академик лицейларда ўрнак кўрсатган педагог ва ходимларга лавозим маошларининг **100 фоизгача** миқдориди ҳар ойлик **устамалар** тўланади;

в) академик лицейларнинг **фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD)**, шунингдек, **фан доктори ёхуд фан доктори (DSc) илмий даражаларига, профессор ёки доцент** илмий унвонларига эга бўлган педагог ходимлари **меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра, олий таълим муассасаси катта ўқитувчисига тенглаштирилади**;

г) 2021 йил 1 январдан бошлаб **ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида** таълим муассасаси раҳбарининг базавий лавозим маошига нисбатан **бош ҳисобчининг** базавий лавозим маоши **80 фоиз** миқдориди, **ҳисобчининг** базавий лавозим маоши **60 фоиз** миқдориди белгиланади.

18. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 17-банди Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия тизимидаги академик лицейларнинг (бундан “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейлари мустасно) шаходатланмаган маъмурий бошқарув, педагог ва бошқа ходимларига нисбатан ҳам қўлланилади.

19. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2020/2021 ўқув йилидан бошлаб**:

академик лицейлар йўналишлари ва блокларига қараб бир педагог ходимга тўғри келадиган ўқувчилар сони нисбатининг чекланган нормативи **1:12 нисбатда** белгиланади. Бунда, йўналишлар ва блоklar бўйича бир нафар педагог ходимга тўғри келадиган ўқувчилар сони нисбатининг нормативлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича ҳар семестрда **ўқувчиларни салоҳиятига кўра, тенг нисбатда гуруҳларга бўлиб ўқитишга рухсат этилади**.

20. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ў.Р.Саломов) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда уч ой муддатда амалдаги академик лицей ва профессионал таълим муассасаларининг директор жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибини соддалаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин.

21. Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги (А.Ж.Ортиқов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У. Маджидов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда асосланган ҳисоб-китобларга биноан академик лицейларнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларининг **2022 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурларига** мунтазам киритиб борилишини таъминласин.

22. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самаралари ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р.Сариев, Қашқадарё вилояти ҳокими З.Т.Мирзаев, Самарқанд вилояти ҳокими Э.О.Турдимов, Сирдарё вилояти ҳокими Ғ.Ғ.Мирзаев, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А.Боболов, Тошкент вилояти ҳокими Р.Қ.Холматов, Хоразм вилояти ҳокими Ф.У.Эрматов ва Тошкент шахар ҳокими Ж.А.Артиқходжаев ҳудудларда олий таълим муассасалари хузурида янгидан ташкил этиладиган **ихтисослаштирилган мактаб ва академик лицейлар** фаолиятини тўлақонли йўлга қўйишда ҳар томонлама қўмаклашсин.

Тегизи вазирлик ва идоралар раҳбарлари мазкур қарорда зиммасига юкланган вазифалар ҳамда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли ташкил қилиш.

23. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У.Маджидов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ў.Р. Саломов белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июнь ва 2021 йил 20 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Бошланиши 1-бетда

**Содиқ САФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати
Раисининг биринчи ўринбосари:**

ва матбуот эркинлигисиз эришиб бўлмайди.

Бугун Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари халқ овози, чинакам тўртинчи ҳокимиятга айланиб бормоқда. Балки ҳали кўп чўққиларга етганимиз йўқдир, лекин силжишларни инкор қилиш мумкин эмас.

Сўз ва матбуот эркинлигини демократиянинг қон айланиш тизимига муқояса қилиш мумкин. Бу эркинликнинг юзга келиши замон талаби. Ўзбекистонда бу жараён орта қайтмас кўриниш олмақда. Шундай экан, ҳукумат, парламент, фуқаролик жамияти сўз ва матбуот эркинлигини, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқ ва имтиёз-

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинган кун****СЎЗ ВА МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ —
ЎЗБЕКИСТОН СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ**

балки интерактив тарзда ўтмоқда ва бевосита мажлис чоғида кўтарилган саволларни шу жойда ҳал этишга интилиш бор. Бу Сенат фаолиятига янги жозиба берди, самарадорлигини оширишда муҳим омили бўлди.

Яна бир жиҳатга ҳам эътибор қаратишни истардим. Агар Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз вақтида сўз эркинлигига доир ислохотларни бошламаганида, айниқса, пандемия шароитида аҳволимиз анча мураккаблашарди. Биз оммавий ахборот воситалари, электрон манбалар ва блогерлардан аҳоли манфаатларини кўзлаб, пандемия шароитида юзга келган муаммоларни очиқ, дадил айтгани учун кескиз миннатдор бўлишимиз керак.

Бир сўз билан айтганда, сўз эркинлиги — инсон ҳуқуқларининг бошқа турлари учун мустаҳкам пойдевор, заминдир.

**Абдулазиз КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири:**

— Ўзбекистон халқаро ташкилотлар билан яхши ҳамкорликни йўлга қўйган. Инсон ҳуқуқлари бўйича мулоқот Ўзбекистоннинг муҳим шериклари, хусусан, Европа Иттифоқи, АҚШ, МДХ давлатлари билан ҳамкорлиги кун тартибига киритилган. Кенг қўламдаги халқаро кўмак билан Ўзбекистон биринчи марта кейинги уч йил муддатга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланди.

Бугун эътиборингизни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шерикларимиз билан мулоқотимиз мазмунининг муҳим жиҳатларидан бирига қаратмоқчиман. Бу — давлат хавфсизлиги ва инсон ҳуқуқлари ўртасидаги нисбат ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлик масаласи. Маълумки, кўп йиллар давомида Ўзбекистон тўғрисидаги хавфсизликни таъминлашни рўқач қилиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётгани учун танқид қилиб келинган. Бу оддий муаммо эмас ва демократик ривожланиш даражасидан қатъи назар, кўп мамлакатлар учун ўта долзарб. Кейинги 3-4 йил ичида амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш жараёнида бу каби муаммоларни барчараф этиш учун жуда кўп ишлар қилинди. Албатта, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар қандай шароитда ҳам ҳимояланган бўлиши керак.

Ўзбекистон давлат ҳокимиятини демократлаштириш, халқ ва ОАВ билан тўғридан-тўғри, шаффоф мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг фуқаролик ва жамоатчилик

фаоллигини қўллаб-қувватлаш борасида орта қайтмайдиган йўлда бормоқда. Биз инсон ҳуқуқларига оид ҳар қандай нозик масалани миллий ва глобал даражада очиқ муҳокама қиляпмиз. 2018 йил ноябрь ойида Самарқандда биринчи марта инсон ҳуқуқлари бўйича форум ўтказилди. 2020 йил август ойида ҳам худди шундай тадбир виртуал форматда ташкил этилди. Сўнгги 3-4 йилда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш жараёнида ушбу муаммони бартараф этиш учун жуда кўп ишлар қилинди.

Айтиш мумкинки, бу каби саъй-ҳаракатлар самарасида фуқароларнинг эркинликларини чеклашга бўлган муносабати кескин ўзгарди. Адашган ватандошларимизни кечириш, чет эллардаги низоли ҳудудлардан олиб келиш, уларга ижтимоий мослашиш ва ҳаётда ўз ўрнини топишда кўмак бериш бўйича Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар ҳам фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистонда халқ манфаатлари ҳамма нарсадан устун. Бу тамойил, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар қандай шароитда, жумладан, фавқулодда вазиятларда ҳам қатъий амал қилади. Аммо бу масаланинг, яъни хавфсизлик, инсон ҳуқуқларининг нисбати ва боғлиқлигининг яна бир томони бор. Фуқаролик жамияти ва демократик институтлар сўз эркинлигини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратди. Бироқ бу демократик кадриятлар барқарорлик асосларида путур етказиш, жамоат тартибини, амалдаги қонунларни бузиш учун баҳона ва имкониятга айланиб қолмаслиги керак. Масалан, сўнгги пайтларда айрим, ҳатто демократик ривожланган мамлакатларда ҳам оммавий кайфиятларнинг кескинлашуви натижасида ҳуқуқий тартибнинг бузилишига, одамларнинг қурбон бўлаётганига гувоҳимиз. Буларнинг барчаси демократик ҳуқуқ ва эркинликларни суиистеъмол қилиш орқали рўй бераётди. Булардан биз тўғри ҳулоса чиқардик. Яъни мамлакат хавфсизлиги, барқарорлиги, демократик ривожланиши фақат давлат ва жамиятнинг яқин, конструктив ҳамкорлиги шароитидагина таъминланиши мумкин.

**Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари:**

эркинлигисиз демократия ҳам, инсон эркинлиги ҳам бўлмайди.

Сўз, ахборот эркинлиги, авваламбор, ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳуқуқи, ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқи. Шу ўринда машҳур инглиз драматурги Бернард Шоунинг “Мен фикрлашни ўрганишимдан анча олдинроқ эркин фикрлайдиган инсон бўлганми” деган сўзлари ушбу фикрни тасдиқлайди.

Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари глобал ҳуқуққа айланди. Демак, биз сўз, матбуот эркинлигини уч даражада кўришимиз керак. Яъни: давлат даражасида (миллий), ҳар бир минтақа даражасида, глобал даражада (универсал).

Ўзбекистон Конституциясида матбуот эркинлиги икки нуқтаи назардан мустаҳкамланган. Бу ҳар бир

фуқаронинг шахсий конституциявий ҳуқуқи ва оммавий ахборот воситаларининг эркин, қонунга мувофиқ ишлаши белгиланганида намоён бўлади.

Яна бир иқтибос келтирмоқчиман. Француз ёзувчиси Альбер Камю айтди: “Эркин матбуот яхши ёки ёмон матбуот бўлади. Бу ҳақ гап. Аммо эрксиз матбуот фақат ёмон бўлиши икки қара ҳақ”. Шу маънода Президентимиз бу борада юритаётган сиёсат эркин, мустақил матбуотни яратишга йўналтирилган.

Шу ўринда Ҳаракатлар стратегияси доирасида қилинган айрим ишлар борасида сўз юритишни истардим.

Биринчи ўринда, сўз эркинлигининг ҳуқуқий асосларини таъминлаш йўлида амалий қадамлар қўйдик. Иккинчидан, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлашга қаратилган институционал

ўзгаришларни амалга оширдик. Бу жараёнда Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилди, давлат ташкилотларида ахборот хизматлари фаолияти жонланди. Туман ва шаҳар ҳокимликларида бу тизим умуман йўқ эди. Ҳозир улар ҳам самарали ишлаяпти. Айни пайтда нодавлат оммавий ахборот воситаларига ҳам етарлича эътибор қаратилмоқда. Халқаро пресс-клуб ҳам янги Ўзбекистоннинг ўзига хос кўриниши сифатида майдонга чиқди. Ўтган йили Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси қабул қилинди. Кейинги йилларда катта аудиторияга эга 290 та хусусий ва идоравий интернет нашрлари иш бошлади. Пировардида, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назоратининг мустақил субъектига айланди.

Энди биз бу борада биргалашиб ишлашимиз, ўзаро тушуниш, мулоқот маданиятини яратишимиз керак бўлади.

**Асаджон ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
директори:**

— Инсоннинг ажралмас ҳуқуқи — сўз эркинлиги. Сўз ва матбуот эркинлиги — Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланган ва бу борада орқага қайтиш йўқ. Бунинг ҳаммамиз биламиз ва фаолиятимизни шунга монанд ташкил қилганмиз.

Бугунги кунда ахборотни яшириб бўлмайди. Бир жойда яширилган ахборот, албатта, бошқа жойларда чиқади. Ахборот бугун эркин айланаяпти ва бу сўз эркинлиги билан бевосита боғлиқ.

Одамлар интернет орқали ўз фикрларини эркин билдирмоқда. Албатта, танқидий фикрлар ҳам бор. Бу танқидий фикрларни эса давлат органлари эшитиши керак. Ўз фаолиятини танқидлар орқали таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриши лозим, мулоқотга ўрганиши зарур. Шу орқали давлат органлари янги реалликда, янги Ўзбекистонда фаолиятини амалга оширяпти. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, матбуот кимгадир аччиқ гапирса, ёқши ёки ёқмаслиги ҳам мумкин, бироқ биз бу йўлдан қайтмаймиз.

Барча давлат идораларида ахборот хизматининг ташкил этилиши катта ислохот деб биламан. Бу ташкилотлар

очиқлиги таъминланиши учун керак. Бугун мингдан зиёд ахборот хизматлари ишлаяпти, бироқ уларнинг фаолияти қай даражада? Бу йўналишни тегишли равишда баҳолаб боришимиз керак. Уларнинг малакаси ҳам босқичма-босқич ошириб келиняпти.

Пандемия шароити кўрсатдики, қабул қилинаётган ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказишга катта эҳтиёж бор. Бу жараён рисоладагидек бўлмаса, текширилмаган ва ноҳолис ахборотларнинг айланишига олиб келади. Бунда журналистлар эмас, давлат ташкилотларининг очиқ эмаслиги, мулоқотнинг йўқлиги сабабчи. Улар мулоқотга тайёр бўлса, ортиқча миш-мишлар тарқалишига ўрин қолмайди.

Пандемия шароитида АОКА платформасида доимий равишда брифинг ва матбуот анжуманлари ўтказдик. Бу, албатта, осон бўлмади, бу жараёнда нодавлат телеканаллар, интернет сайтлари ва блогерлар ҳам фаол қатнашди.

Биз ноябрь ойидан бошлаб, 100 дан ортиқ брифинг ҳамда матбуот анжуманлари учун қўшимча платформалар ташкил этдик, айниқса, ҳудудларда ўтказиладиган тадбирлар режасини белгилаб олдик. Бу вилоятларда ахборот олиш эркинлигини таъминлашдаги муаммоларни маълум қадар ечишга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

Яна бир муҳим қадамлардан бири — Агентлик ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ҳузурида “Диалог майдончаси” фаолияти йўлга қўйилганидир. Бу лойиҳа, ўз навбатида, ОАВ вакиллари ҳамда блогерлар ҳуқуқларини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш, зарур ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ҳамда ёрдам кўрсатишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Биз оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни
кейинги тўрт йилда кескин ўзгарганини тан оламиз.
Биргина мисол. Авваллари Олий Мажлис Сенати мажлисларига
кириш нақадар машаққат эди. Ҳозир бу мажлислар нафақат
онлайн, балки интерактив тарзда ўтмоқда ва бевосита мажлис
чоғида кўтарилган саволларни шу жойда ҳал этишга интилиш
бор. Бу Сенат фаолиятига янги жозиба берди, самарадорлигини
оширишда муҳим омили бўлди.**

**Жон МакГрегор,
ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори:****Ҳелена ФРЕЙЗЕР,
БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори:**

— Мен 2016 йил декабрь ойидан буён Президент Шавкат Мирзиёевнинг чиқишларини кузатиб келяпман. 2016 йил Конституция байрамидаги илк маърузасини ҳам, бошқа йирик тадбирлардаги сўзларини ҳам тинглаганман, 2020 йил 30 сентябрдаги маърузасини ҳам шахсан эшитганман. Ўзбекистон Президенти сўз эркинлиги қандай бўлиши кераклиги ҳақида очиқ гапиряпти. Утган тўрт йил давомида бунга шахсан гувоҳ бўлдим. Бу соҳада ривожланишга эришиляпти.

Халқаро ташкилотлар ҳам Ўзбекистондаги ушбу соҳадаги жараённи қўллаб-қувватлайди. ЕХХТнинг бошқа мамлакатлардаги ваколатхоналарида штат бирликлари қисқараётган пайтда Ўзбекистондаги офисда, аксинча, кўпайди. Нима учун? Чунки Ўзбекистондаги тараққиётга ҳамнафас бўлиш учун ишчилар кўп бўлиши керак.

Ўзбекистон Президентининг матбуотга қаратаётган эътиборини ҳаммамиз қўриб, биллиб турибмиз. Давлат раҳбари журналлар ва блогерлар билан учрашмоқда. Бу ажойиб, олдин бунга ўхшаш воқеаларни кўрмасдик.

— “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга”. Ўзбекистон Конституциясининг 29-муддасида шундай ёзилган. Бу ерда йиғилганларнинг барчаси ушбу ғояни тўла қўллаб-қувватлашга ишонаман. Чунки бу — барқарор тараққиёт масалаларига ҳамнафас. Аниқ ва очиқ ахборотга эга бўлиш — адолатли ва бепараф институтлар, муассасалар шаклланишида асосий жараён ҳисобланади.

БМТ тизимидаги ташкилотлар, халқаро ҳамжамият Ўзбекистонда журналистларнинг очиқ маълумотга эга бўлиш учун мустақил фаолиятларини қўллаб-қувватлайди. Сўнгги 4 йилда Ўзбекистонда бу борада ривожланиш кузатилди. Журналистлар, блогерлар очиқ, ошқора саволлар беришни бошлади. Илгари ўзлари учун “табу” бўлган мавзуларда ёзаяпти, турли муаммолар бўйича суриштирувлар ўтказаяпти. Шунингдек, соҳага доир норматив-ҳуқуқий масалаларда ҳам ўзгаришлар бўлмоқда.

**Русланбек ДАВЛЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
адлия вазири:**

— Ҳуқуқ бор жойда, албатта, чегара бўлиши керак. Фақат яшаш ҳуқуқи бундан мустасно. Чунки яшаш ҳуқуқи энг олий неъмат, бунинг қиммати адолатдан эмас. Бошқа ҳуқуқларда айрим чегаралар бўлиши керак. Бу умумжаҳон ёндашуви, дунё миқёсидаги стандартларда ҳам белгиланган. Фақат чекловлар демократия талабларига мос бўлиши керак. Жумладан, бу хавфсизлик, ҳудудий яхлитлик, болалар ҳимояси, интеллектуал мулк, ўзгалар ҳуқуқ ва манфаатига даҳл қиладиган ҳолатларнинг олдини олиш каби муҳим жиҳатларни ўзида акс эттириши лозим.

Умуман олганда, бугунги очиқлик, ошқоралик сари янгилишлар жадал кечаётган жамиятимизда чекловлар ҳақида камроқ гапирган маъқул. Токи, бу ҳолат юртимизда бошланган янгилиш жараёнларига, сўз эркинлигига, очиқ ва адолатли жамият барпо этиш йўлидаги интилишларимизга соя солмасин.

Агар бу борада ҳаётимизда қандайдир зиддиятли вазият юзга келса, масалан, оммавий ахборот воситалари ва қонунчилик ўртасидаги қандайдир муаммоли масала туғилса, судга мурожаат қилиниши керак. Судлар эса адолатга хизмат қиладиган, ҳар бир инсоннинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қиладиган муҳим органдир.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Ўлутбек АСРОПОВ ёзиб олди.

Интервью

ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯ — ОЛДИМИЗГА ҚЎЙИЛГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бошланиш 1-бетда

Давлатимиз раҳбари бу борада амалга оширилаётган ишларга танқидий баҳо бериб, фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш, илмий институтларга буюртмаларни шакллантириш бўйича долзарб йўналишларни кўрсатиб ўтди. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, кимё саноати, нефть-газ, энергетика, фармацевтика тармоқларини инновацион ривожлантиришга доир вазифалар белгиланди.

Мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди. Мухбиримиз видеоселектор иштирокчиларининг белгиланган вазифалар юзасидан фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири:



— Йўналишнинг асосий мақсади юртимизда илм-фан ҳалигача иқтисодиётга хизмат қилмаётгани ва бунинг натижалари мутлақо кўринмаётганига қаратилди. Илм-фан ютуқларини инновацияга айлантириб,

иқтисодиётга йўналтиришда олимлар гуруҳи, илмий ташкилотлар, тармоқ корхоналар, асосан, истеъмолчилар ва ҳудудий ҳокимликлар ўртасида кооперация ҳамда ўзаро интеграция мавжуд эмаслиги танқидий таҳлил этилди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги олдига икки ҳафта мобайнида барча ҳудуд ва тармоқлар билан ҳудудий буюртмаларни шакллантириб, йўл ҳаритасини ишлаб чиқиш ва бунинг натижаси нима бўлади, деган саволга жавоб топиш вазифаси қўйилди.

Ҳамкорликни жонлантиришнинг янги йўналишларидан бири сифатида ҳар йили баҳорда илмий ташкилотларнинг ҳудудлар ва тармоқлар билан биргаликдаги форумини ўтказиш таклиф этилди.

Унда олимлар ўз ишланмалари тақдиротини ўтказди. Бу форумда иштирокчилар ўзаро мулоқот қилиб, уч томонлама шартномалар тузди. Қўзда ҳамкорларнинг иккинчи форуми ташкил этилади ва унда келишувлар қандай натижа бергани бўйича бир йиллик кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

Давлатимиз раҳбари Инновацион ривожланиш вазирлигига илмий ишланмаларни тижорийлаштиришнинг замонавий механизмларини жорий қилиш, ғояни бизнесгача олиб борадиган осонлаштирилган ва бюрократиядан холи янгича тизимни яратиш бўйича ҳам топшириқ берди. Бу ўринда технопарклар платформасидан унумли фойдаланиш, айниқса, вазирлиқнинг инвестиция мажмуаси билан ҳамкорлик фаолият юритиши ва, албатта, ҳар қандай инвестициянинг бир қисmini инновацияга йўналтириш бўйича тегишли вазифаларни олдиқ.

Бахтиёр ИБРОҲИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик:



— Фанлар академияси олимлари ҳозиргача тегишли таъкилотлар билан муайян даражада ҳамкорлик олиб борган. Бироқ йўналишда бу ҳали

етарли даражада эмаслиги тўғрисида асосли фикрлар билдирилди. Илмий салоҳият мавжуд бўлса-да, ундан унумли фойдаланилмаётгани тўғрисида қатор аниқ мисоллар келтирилди.

Пандемиядан кейинги дунёдаги вазият умуман бошқача тус олади. Иқтисодиёт, савдо-сотиқ, экспорт-импорт жараёни мутлақо ўзгариб кетади.

Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, арзон ва илмий салмоқли маҳсулот ишлаб чиқарган томон ютади. Мана шундай мураккаб вазиятдан чиқиш учун давлатлар илмга янада кўпроқ эътибор қаратади.

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида



Покистон Ислон Республикасининг Ўзбекистон Республикасига янги тайинланган Фавкуллода ва мухтор элчиси Саид Али Асад Ғилоний Тошкентда ўз фаолиятини бошлади. Жорий йил 16 ноябрь куни у Кўксарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга ишонч ёрлигини топширди. Покистон дипломатик ваколатхонаси раҳбари “Дунё” ахборот агентлиги мухбирига эксклюзив интервью берди.

Покистон элчиси: “ҲАР БИР ПОКИСТОНЛИК САМАРҚАНД ВА БУХОРО ЗИЁРАТИНИ ОРЗУ ҚИЛАДИ”



— Жаноб элчи, Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти ишонч ёрлигини топширганингиз билан қутлаймиз. Айтинг-чи, янги масъулиятлар лавозимда ўз олдингизга қандай режа ва вазифалар қўйдингиз?

— Ўзбекистондек буюк мамлакатда Покистон элчиси бўлиш мен учун катта шараф.

Қадимдан бизни чуқур маданий ва маънавий алоқалар боғлаб туради. Элчи сифатида асосий вазифам халқларимиз ўртасидаги англашувни янада ривожлантиришга хизмат қилиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун биргаликда ишлашимиз мумкин бўлган соҳаларни ўрганишдан иборат бўлади.

— Дипломатик миссия раҳбари сифатида нималарга биринчи навбатда эътибор қаратасиз?

— Мамлакатимнинг мендан аввал Тошкентда фаолият юритган элчилари томонидан илгари сурилган ташаббуслар, имзоланган икки томонлама келишувлар ва ўзаро англашув меморандумларида белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишга асосий эътиборни қаратаман. Шунингдек, икки мамлакат халқлари учун манфаатли бўлган барча соҳаларда янги ташаббуслар ишлаб чиқилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мувофиқлаштириш ва маслаҳат механизмларини мустаҳкамлаш, қардош мамлакатлар сийсий кучлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни кучайтиришга ҳаракат қиламан.

— Савдо-иқтисодий ва сармовий мақсадлар фаолиятингизда қандай ўрин тутади?

— Покистон ва Ўзбекистон муносабатларида савдо-сотиқ икки ўлчамга эга, яъни икки томонлама савдо ҳамкорлиги ва савдо йўлаклари маъносиди. Ўзаро савдо-сотиқ нуктаи назаридан, иқтисодиётларимиз рақобатчи эмас, балки бир-бирини тўлдирди, деб ҳисоблайман. Шу маънода, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун катта имкониятлар мавжуд. Сўнгги йилларда савдо ва инвестиция ҳамкорлигида ижобий суръат кузатишмоқда. Бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва ишбилармон доираларни бирлаштириш устувор вазифаларимдан биридир.

Савдо йўлакларида келсак, Покистоннинг жуғрофий жойлашуви Ўзбекистонга Араб денгизига чиқиш учун энг қисқа савдо йўналишини тақдим этади. Покистон орқали савдо қилиш Ўзбекистон учун денгизга чиқишнинг

самарали йўлидир. Худди шундай, Марказий Осиё бозорлари билан савдо муносабатларини кенгайтиришга хизмат қиладиган алоқаларни ўрнатиш Покистоннинг асосий мақсадларидан биридир. Бу борадаги айна пайтда қатор таклифлар фаол кўриб чиқилмоқда. Шу сабабли яқин келажда икки мамлакатни бир-бирига боғлайдиган ўзаро манфаатли савдо йўлагини яратишга умид қиламиз.

— Сўнгги пайтларда мамлакатларимиз ўртасида зиёрат туризми йўналишидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ушбу соҳани янги босқичга олиб чиқиш бўйича фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Дарҳақиқат, зиёрат туризми тарққиёт учун катта салоҳиятга эга. Ҳар бир покистонлик Самарқанд ва Бухоро зиёратини орзу қилади. Имом Бухорий, Имом Термизий, Форобий, Ибн Сино каби буюк аломалар Покистонда ҳам жуда машҳур. Уларни халқимиз чуқур ҳурматлайди. Шунингдек, Тошкент ва Лаҳор ўртасидаги икки соат давом этадиган тўғридан-тўғри авиарейсларнинг (коронавирус пандемияси сабабли вақтинча тўхтатилган) йўлга қўйилганини ҳам оқилона қадам деб биламан. Мазкур парвозлар қатновини ҳафтасига камиди уч мартага етказиш тарафдориман.

— Жаноб элчи, Ўзбекистон ва Покистон халқларини бирлаштирадиган ва ўхшаш хусусиятларни айта оласизми?

— Менимча, бизни тарихнинг умумий талқини, маънавий ва маданий қадриятларимиз бирлаштириб туради. Покистонда ўзбек тарихий шахслари қаҳрамон ҳисобланади. Халқимиз дунёнинг ушбу қисмида яшаб ўтган буюк аломаларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган салмоқли ҳиссаси билан фахрланади.

Бизни ажратиб турадиган жиҳатларга келсак, менимча, бу йигирманчи асрнинг катта қисмида бир-биримиздан узоқлашиб яшаганимизда бўлса керак. Албатта, бу икки халққа боғлиқ бўлган ҳолда содир бўлди.

Биз бир-биримизга яқин бўлсак-да, кўп йиллар давомида узоқлашганимиз сабабли ўзимизни айро ҳис қиламиз. Бундан ташқари, сўнгги ўттиз йилнинг катта қисмида мамлакатларимиз раҳбариятларининг тўғридан-тўғри алоқалари нисбатан суст бўлди.

Ушбу бўшлиқни иложи борица тезроқ тўлдириш керак. Шунда биргаликда ишлаш учун чуқур англашувга келамиз. Иккинчи фарқ, тилларимиз бўлиши мумкин. Аммо бу ҳам жуда катта аҳамиятга эга эмас. Чунки урду ва ўзбек тилларида тўрт мингдан орттиқ бир хил сўз мавжуд.

Бизнинг умумий динимиз, тарихимиз, жуғрофиямиз, анъаналаримиз ва иқтисодий манфаатларимиз яқин ҳамкорликка чорламоқда. Аждодлари минг йиллар давомида ёнма-ён бўлган халқларни яна бир-бирига яқинлаштириш, тарихий алоқаларни тиклаш ва уларни XXI асрнинг геоиқтисодий ҳақиқатларига мувофиқ тарзда англаш вақти келди.

“Дунё” АА

Муносабат

БАХТИ ҲАМ, АРМОНИ ҲАМ ШУ ВАТАНГА ПАЙВАСТА ШОИР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мумтоз шоир, Давлат мадҳияси муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг 80 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарори кўпчиликнинг дилидаги гап бўлди. Бундан уч йил бурун Президентимиз ташаббуси билан Қарши шаҳрида очилган Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби минглаб кўнгилларга сурур ва қувонч бағишлаган эди.



Олим ТОШБОВЕВ, филолог ва фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат қурсатган журналист

Ижод мактабларининг ташкил этилгани адабиётнинг эртанги кунига ишонч уйғотади. Қолаверса, улуг адибларнинг ҳаёт ва ижод йўлидан бохабарлик улар яратган асарларни англашда ўзига хос очкич вазифасини ҳам ўтайди.

Абдулла Орипов қолдирган адабий меросининг ўрганилиши ва тарғиб этилиши миллат маънавиятининг бардавомлигини англатади. Абдулла Орипов сингари миллат фарзандларининг юбилейларини нишонлаш миллий маънавиятга умумдавлат миқёсида эътибор қаратилаётганининг яққол далолатидир. Бу каби саъй-ҳаракатлар ёшларда адабиётга, сўзга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотади. Сир эмас, бутун бир авлодлар устознинг Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларини мадҳ этган шеърятни руҳида камол топди. Адабиёт мухлислари шеърининг ажиб сеҳри, сўз қудрати ва тароватини Абдулла Орипов ижоди орқали ҳис этди. Унинг шеърлари кириб бормаган ўзбек хонадони йўқ, десак муболага бўлмайди. Ижодкорни эъзозлаган, китоба ошфурталлини рағбатлантирган халқнинг қадри банд бўлади.

Қарорда 2021 йил март ойининг учинчи ўн кунлигида “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Абдулла Орипов хотирасига бағишланган тантанали адабий-бадиий хотира кечаси, умумий ўрта таълим муассасалари, ижод мактаблари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодига бағишланган “Мен нечун

севаман Ўзбекистонни?” мавзусида ишловлар танловларини ўтказиш белгиланган. Танловнинг бу тарзда номланишида ўзига хос раамзийлик кўраман. Шоир қўлига қалам олгандан то сўнгги нафасигача Ўзбекистонни, жафокаш ўзбек халқини қўйлади. Ватан мавзуси шоир шеърларида мудом етакчи мавзу бўлди. Абдулла аканинг бахти ҳам, армони ҳам шу юрт, шу заминга пайваста эди. Чин маънода халқ шоири бўлган устозимиз Ватан ва халқ мадҳидаги шеърлари учун турли таъкиотларга ҳам учради, маломат ўқларига нишон бўлди.

Абдулла Орипов ижодини ўрганиш адабиётшунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири, аммо қарорда белгиланган “Абдулла Орипов ижодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни” мавзусида халқаро илмий-назарий конференция моҳияти ниҳоятда теран. Яъни миллат тафаккурининг юксалишида Абдулла Орипов шеърятини улкан аҳамият касб этиши ҳоли ва ҳаққоний таҳлил қилиниши лозимлиги таъкидланмоқда. Мамлакатимиз театрларида “Соҳибқирон”, “Жаннатга йўл”, “Ранжком” каби спектаклларнинг тагин саҳнага олиб чиқиши маийши мавзулардан толиққан томошабинга юксак маънавий-руҳий завқ беришига ишонаман.

Нафсиламрини айтганда, миллий ғоя, Учинчи Ренессанс пойдеворини адабиёт, хусусан, Абдулла Орипов шеърятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамиятнинг маънавий

ғоявий қиёфаси адабиётга бўлган муносабат билан белгиланади. Шу маънода, республикамиздаги ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган “Митти юлдуз жилолари” шеърят беллашуви янги овозларни, иқтидорларни юзага чиқариши тайин. Беллашув номи ҳам ўзига хос маънога эга. “Митти юлдуз” — Абдулла Ориповнинг илк китоби. 1965 йилда чоп этилган бу тўплам ҳақида Эркин Воҳидов “Митти юлдуз”нинг пайдо бўлиши шеърятимиз осмониди янги кувнок, чароғон юлдуз пайдо бўлганидан дарак беради”, деган эди.

Президентимизнинг бу тарихий қарори узилиб қолган илмий-адабий анъаналарни ҳам тиклайди, дея умид қиламиз. Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратилиши, ўзбек тилидаги икки жилдлик “Танланган асарлар”и, қорақалпоқ, рус, инглиз ва бошқа тилларга таржима қилинган шеър тўпламлари, шунингдек, “Абдулла Орипов замондошлари хотирасида” китобининг нашр этилиши ва қатор кўламдор тадбирлар кириб келаётган янги — 2021 йилни ҳозирдан кўб гўё адабиёт йилига айлантириб юборгандек...

Келгусида таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ҳамда Адиблар хиббонидидаги учрашувлар, давра суҳбатлари, китобхонлик ва шеърят кечалари мунтазамлик тусини олиб, “Абдулла Орипов кунлари”, “Абдулла Орипов ўқишлари”га ҳам замин яратиши шубҳасиз.

китобхонлар оммасининг қалбини забт этди. “Баҳор қайтмайди” қиссаси ва унинг асосида ишланган телеспектановка шухрати сўнмай туриб, “Дунёнинг ишлари”да яратилган Она образи ардоқли адибимизга ҳар қандай қалам аҳли орзу қилгидиган даражада шон-шухрат олиб келди.

“Нур борки, соя бор”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” романлари нафақат Ўткир Ҳошимов ижодида, балки замонавий ўзбек романапислигида алоҳида воқеа, алоҳида босқич даражасига кўтарилди.

Ўткир Ҳошимов ҳар қандай ижодкор ҳавас қилса арзигулик ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Жамоат арбоби сифатида масъул вазифаларда фаолият юритди. Ҳукуматимизнинг юксак эътиборига сазовор бўлди.

Ўткир Ҳошимов таваллуд санасининг махсус қарор асосида кенг нишонланиши мамлакатимизда адабиятга, маънавиятга бўлган эътибор тизимли сифатида адабий жамоатчиликни, улар қатори китобсевар халқимизни беҳад хурсанд қилди.

ЭЛ СЕВГАН АДИБ

қайта юз минглаб адабда чоп этилгани, қўлма-қўл ўқилаётганини назарда тутган эди. Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 60-йиллари аввалида дастлабки “Чўл ҳавоси”, “Одамлар нима деркин” қиссалари нашрдан чиққан бўлса, кина, орадан салкам 60 йил ўтган эса-да, Ўткир Ҳошимов халқимизнинг чинакам маънодаги эл севган адиби бўлиб қолмоқда.

Ўткир Ҳошимовнинг адабиётимиздаги ўрни, асарларининг бадиий-маънавий аҳамияти ҳақида гапирганда, кичик кечиниш қилишга тўғри келади.

Абдулла Қодирий, Чўлпон тамал тошини қўйган XX аср ўзбек насри Ойбек, Ғафур Ғулом, Мирқарим Осим, Абдулла Қаҳҳор томонидан давом этирилди. Сўнгра Одил Ёқубов, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров, улардан кейин Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров авлодига мансуб ижодкорлар байроқдор бўлдилар.

Ўткир Ҳошимов ва Шуқур Холмирзаев дарғаликни қўлга олган авлод фавкуллода янгилиги билан ўзбек бадиий тафаккурини мутлақо ўзгача босқичга кўтарди. Дунёни, инсон руҳий олами, мураккаб инсоний муносабатлар ва зиддиятлари бор ҳаётини ҳақиқатлар “куршови”да очик-ойдин тасвирлаш етакчи услубга айланди. Схематизм ўрнини самимиёт

эгаллади. Жонсиз қўғирчоқ образлар ўрнига жонли инсонлар образлари яратилди.

Бу — миллий бадиий тафаккурдаги бурилиши, янгилаиш, соғломлашиш жараёни эди!

1975 йилда ёзиб, китобхонларга тортиқ этган қиссасини “Қалбинга қулоқ сол” деб номлаганининг ўзини Ўткир Ҳошимовнинг адиб сифатидаги улкан гуманизми деб таърифлаш мумкин. Ўша кезларда Ўткир ака қўлаб публицистик мақолалар ёзар, телеэкран орқали ҳафта сайин “Баҳс” кўрсатувини олиб борар ва, адибиётимизнинг айтишича, республикамизнинг барча бурчакларидан дил изхорлари баён этилган минглаб хат-хабарларди. Ҳар бир нома ватандошларимиз, миллатдошларимиз қалбининг тўб-тубидан отилиб чиққан изхорлар, армонлар, истаклар эди. Ана шу изхорлар, армону истаклар адибнинг ғоятада зукко нигоҳи чиғирғидан ўтиб, пайдо бўлган “Қалбинга қулоқ сол” жумласида мужассам топган эди.

Бадииятнинг шоҳ фазилати бўлмиш ана шу самимиёт туйғуси Ўткир Ҳошимов асарларининг, қолаверса, бутун ижодининг марказий ўқиға, мағзиға, маъно-мазмунига сингиб кетди. Ҳикоя, қисса, романлари айна шунинг шарофати улароқ одамларнинг, кенг



Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, ёзувчи

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини муносиб нишонлашга қаратилган қарори мамлакатимиздаги барча адабиёт мухлисларининг, китобхонлар ва, айниқса, Ўткир Ҳошимов асарларининг миллионлаб шинавандалари шодиб-насиға айланди.

Бугун миллати, тилидан қатъи назар, барча ҳакамлар бемалол айта оладиган 13 та — “ўртага”, “таъзим”, “кураш”, “ҳалол”, “ёнбош”, “чала”, “дакки”, “танбех”, “ғирром”, “бекор”, “тенг”, “тўхта”, “вақт” каби ўзбекча сўзлар дунёнинг 130 дан ортиқ давлатидаги ареналарда янграб келмоқда.



“ҲОЙ- ҲОЙ ЎЛАН, ЖОН ЎЛАН...”

Ўзбек ва қозоқ халқларининг қадимдан ёнма-ён яшагани, хавф-хатарга қарши елкама-елка туриб курашгани боис, қайғу ва шодлиги, қисмати ва тақдири, миллий қадриятлари, анъана ва урф-одатлари муштарак. Президентимиз таъриф берганидек, “Яратганининг ўзи бизга кўшни бўлишдек бебаҳо неъматни ато этган. Бизнинг ота-боболаримиз “Ҳовли олма, кўшни ол”, деб бежиз айтишмаган. Биз азал-азалдан бир заминда, бир қуёш остида яшаб келмоқдамиз, бизнинг илдизларимиз бир”.

Бу дўстлик ва биродарлик, айниқса, мустақилликдан сўнг янгича маъно ва моҳият касб этиб, йил сайин мустақамланиб бормоқда. Халқларимизни туташтирувчи қадимий илдизларимиздан бири — халқ оғзаки ижодидир. Буни 2019 йил Ўзбекистонда Қозоғистон йили муносабати билан Қозоғистон халқи Ассамблеяси Қозоғистон ўзбек этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамияти қошидаги “Ижодкор” адабий бирлашмаси томонидан чоп этилган “Ҳой-ҳой ўлан, жон ўлан...” китобидан ўрин олган халқ оғзаки ижоди намуналари миқсолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Асрлар мобайнида миллатимизнинг юрак-юрагига сингиб кетган, авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб ва бойиб келаётган фольклор қўшиқлари ўзбек халқи маънавиятини, бадиий-руҳий салоҳияти ва заковатини намоён этувчи ёрқин кўзгу. Жаҳон фольклоршунослигида халқнинг миллий ўзлигини аниқлаётган лапар, алла ва ўланлар, мавсумий-маросим қўшиқларининг яратилиш жараёнлари, маънавий-ижтимоий эҳтиёжи, жанрлар таркибининг ўзига хос поэтикаси, тарихий генетик илдизлари тақдиқи энг долзарб масала ҳисобланади.

Туркий халқлар қадим замонлардан ёш авлод камолотига алоҳида эътибор қаратган, тарбиявий ғоялар халқ оғзаки ижоди намуналарида жозибали, таъсирчан ва бадиий ўйсинда акс этган. Жумладан, Қозоғистон ўзбеклари фольклори ўзига хос жанр, ижод ва ижро хусусиятлари, тарбиявий-эстетик моҳияти, поэтик белгиларига эга.

Жанрларнинг ҳудудий ранг-баранглиги, кўп вариантлилиги Қозоғистоннинг Чимкент, Туркистон, Ўқон, Сайрам каби қадимий масканлари азал-азалдан ўзига хос фольклор намуналари, қўшиқчилиқ, лапарчилиқ анъаналарига эга бўлганини кўрсатади.

Барча санъат турларининг тамал тоши, деб таърифланадиган оғзаки ижод намуналари нафақат халқнинг ўтмиши, миллий ғурури ва ўз-лигини, балки бугуни ва келажagini ҳам ўзида ифода этувчи, унинг тақдири, орзу ва истаклари билан чамбарчас боглиқ ижодий жараёндир.

Қозоғистон халқи Ассамблеяси раисининг биринчи ўринбосари Ж. Тўймибаев алоҳида таъкидлаганидек, “Мазкур тўпламга ҳам қозоқ, ҳам ўзбек халқлари учун яқин ва таниш бўлган Чимкент ва Туркистон шаҳарлари Сайрам, Қорабулоқ, Қарноқ, Манкент ва бошқа қишлоқ ҳамда кентлар аҳлидан ёзиб олинган лапарлар жамланди. Дарҳақиқат, эзгу ва олижаноб туйғулар мужассам топган бу тўпламнинг асосий мақсади ҳам дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдир”.

Ёшларни Ватанга садоқат, миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда халқ оғзаки ижоди намуналарининг таъсири бекиёс. Халқ оғзаки ижоди ёш авлодда меҳнатсеварлик, дўстлик, оилага садоқат, ватанпарварлик, мардлик, софлик, ростгўйлик каби инсоний фазилатларни шакллантиради. Халқ қўшиқлари ҳамда қаҳрамонлик достонларига ўша эл-улуснинг ақл-заковати, орзу-ҳаваси, руҳи ва иродаси сингдирилган. Китобдан ўрин олган халқ қўшиқлари, терма ва

заифлар ва ночорлар ҳимоя қилинади, ҳалол ғалабага берилган соврининг бир улуши муҳтожларга тарқатилади, жамиятда кечаётган ҳар бир жараёнга у ёки бу шаклда, албатта, муносабат билдирилади, деган тушунча ва қадриятлар шаклланади.

Спортнинг қайси турида ғирромлик бўлмаса, ҳалоллик устун турса, қолаверса, беллашувда жараҳат олиш хавфи кам бўлса, бу спортга қизиқиш ўз-ўзидан кучаяверади. Бу омиллар курашни, мардлар ва пахлавонлар юрти Ўзбекистонни дунёга танитишда, нуфузини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун миллати, тилидан қатъи назар, барча ҳакамлар бемалол айта оладиган 13 та — “ўртага”, “таъзим”, “кураш”, “ҳалол”, “ёнбош”, “чала”, “дакки”, “танбех”, “ғирром”, “бекор”, “тенг”, “тўхта”, “вақт” каби ўзбекча сўзлар дунёнинг 130 дан ортиқ давлатидаги арена-ларда янграб келмоқда. Қувонарлики, кураш-га, шу орқали ўзбек тилига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бугун дунёнинг турли чеккаларида 1 миллиондан зиёд бу спорт тури билан шуғулланиб келаётган полвонлар, мураббийлар, ишчибозлар курашнинг Ватани — Ўзбекистонга келишга, номдор ўзбек полвонлари билан учрашишга, кураш сир-асрорларини ўрганишга катта қизиқиш билдирмоқда. Демакки, улар нафақат кураш сирларини, балки унда қўлланиладиган атамаларни тушуниш учун ҳам ўзбек тилини ўрганишга интилиши табиий.

Курашнинг замонавий спорт тури сифатида Осиё ўйинларига киритилгани ҳам тарихий ютуғимиз бўлди. Эндиги навбат Олимпия ўйинларига. Бунинг учун курашни мамлакатимизда янада оммалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Агар биз битта мактабда 100 нафар йигит-қизни курашга жалб қилсак, улар орқали бошқа ёшларни ҳам тарбиялашга эришамиз. Машгулотлар жараёнида мураббийлар томонидан ўқувчиларга бугунги кундаги долзарб муаммолар, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари тушунтириб борилади, ўз навбатида, улар бу гапларни тенгдошларига ҳам етказди, албатта. Бунда мураббийларни ўқитишимиз, уларни дастур асосида тайёрлашимиз зарур.

Шу маънода, қарорда белгиланганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходим ва ҳарбий хизматчилари томонидан ёшларни ушбу спортга янада кенг жалб



Ҳамон йўлдошев олган сурат.

этиш орқали соғлом турмуш тарзини фаол тарғиб қилиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ёшларни “Полвонлари кўп юрт қудратли бўлур” деган ягона шир остида биллаштириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасаларида бепул кураш гуруҳларини ташкил этиш устувор вазифалардан саналади.

Муҳим ҳақатлардан яна бири шундаки, 2025 йилга қадар республикада кураш билан мунтазам шуғулланувчи мактаб ўқувчиларини жами мактаб ўқувчиларининг камида 12 фоизга етказишга эришиш, шунингдек, 2025 йилга қадар кураш билан мунтазам шуғулланувчи аҳоли сонини камида 8 фоизга ҳамда хорижий давлатларда кураш билан мунтазам шуғулланувчи спортчилар сонини кўпайтириш вазифалари юклатилган. Пировардида, курашнинг 2028 йил Лос-Анжелесдаги Халқаро олимпия ўйинлари дастурига киришишга эришиш энг асосий мақсад саналади.

Ўқоридаги вазифаларни самарали амалга ошириш учун бир қатор муҳим масалаларни тизимли равишда ҳал этиш лозим бўлади. Хусусан, олимпия ўйинлари мезонлари асосида халқаро майдонда курашни оммалаштириш, мамлакатимизда ва чет элларда спорт мусобақаларини ташкил этиш, хориж мамлакатларидаги Кураш федерациялари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, “тўй курашлари”, “кураш сайиллари”, “кураш фестиваллари” ва бошқа тадбирлар ҳақида хорижий тилларда материаллар тайёрлаш, уларни электрон оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш зарурият ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, ўзбек курашини мамлакатимизда ва жаҳонда оммалаштириш, ривожлантириш, ушбу спорт тури орқали давлатимиз шаъни ва нуфузини ошириш нафақат унинг ривожига жавобгар ташкилотларнинг юксак масъулиятини, балки ҳар бир фуқаронинг фаол қўллаб-қувватлашини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Навр индекси — 236. **Бюджет** — 3333.
41787 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29



баранглиги, она руҳиятида кечаётган туғёнлар гоътада теран акс этгани билан алоҳида ажралиб туради:

*Ой боради ботгани,
Ҳулкар келар ётгани,
Сенга алла айтаман
Мириқиб ухлагани,
Аллаё алла.*

“Ҳой-ҳой ўлан, жон ўлан...” китобидан ўрин олган қўшиқ, лапар, келин салом, алла ва айтишувларни умумўзбек фольклорининг энг гўзал намуналари, деб аташ мумкин. Бу тўплам халқ оғзаки ижоди бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш, кенг оммани Қозоғистон ўзбеклари фольклори намуналари билан танитиш ва тарғиб қилиш, ўзбек ва қозоқ халқлари ўр-тасидаги дўстлик ва ижодий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашда муҳим манба вазифасини ўташи шубҳасиз.

Ҳулкар ҲАМРОЕВА,
Ўзбекистон давлат
хореография академияси
катта ўқитувчиси, филология
фанлари номзоди,
Салимжон ҒАНИЕВ,
Қозоғистон Республикаси
Чимкент шаҳридаги Ҳамза
номли 53-мактаб ўзбек тили
ва адабиёти фани ўқитувчиси

Кураш — эзгуликка ундовчи қудрат манбаи

Қамол УСМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Кураш Федерацияси раиси
ўринбосари

Президентимизнинг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори аҳдоқларимиздан мерос курашнинг бой анъаналари ва қадриятларини келажак авлодларга етказиш, “Ўзбек спорти” бренд номи билан жаҳон аренасидаги ўрнини мустаҳкамлаш, ёшларнинг миллий спортга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш, уларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, жаҳон халқлари ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсади мужассамлиги билан тарихий аҳамиятлидир.

Асл полвонлар курашни тарбия мактаби, дейди. Кураш минг йиллардан буён халқимиз билан яшаб келмоқда. Хусайн Воиз Қошиқий кураш билан шуғулланувчилар ҳар қандай вазиятда тўғрилиқ ва поклик қонунини билан яшайди, дея таъкидлаган. Демак, кураш илму маърифат билан бойитилиб бориши натижа-сида инсонни юксалтириб боради, кучли тана кучли маърифат билан уйғунлашади.

Курашнинг ўзбек халқи менталитетига сингиб кетган қатор жиҳатлари мавжудки, унда нафақат спортчилар, балки ҳаваскорлар, қолаверса, барча ёшларни эзгуликка ундовчи қудрат бор. Зеро, курашда, аввало, инсоний ғоялар, ҳурмат туйғуси акс этган бўлиб, зўравонлик ва бошқа иллатлар намоён бўлмайди. Курашчиларга машғулот ва мусобақа майдонларида она Ватанини ҳимоя қилиш, унга садоқат билан хизмат қилиш ўқтирилади. Пировардида, уларда Ватанга ҳеч қачон хиёнат қилинмайди, ҳаромдан нари юрилади,

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ёшларлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Қардошлиқ тухфаси

Орифжон ЖЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Юртимиз узра кенг қулоқ ёзган “Янги Ўзбекистон — янги дунёқараш” маънавий-маърифий, маданий тадбирлари шуқуҳи Наманган аҳлига ҳам кўтаринкилик улашяпти.

Бунга ҳамоҳанг тарзда кунчи Тўрақўрғондаги Исоққон Ибрагим номидаги ихтисослашган мактаб-интернатда наманганлик шоира Дилбар Ҳайдарованинг Озарбайжонда таржима қилиниб, нашрдан чиққан “Man Sarqiliyam” (“Мен шарқликман”) номли китоби тақдими бўлди.

Дилбар Ҳайдарованинг 1980 йилда дунё юзини кўрган “Норин мавжлари” номли ilk китоби бағишлаб академик Воҳид Зоҳидовнинг “Дилбар шоира” номли мақоласи чоп этилган эди. Сақсонинчи йиллар шеърятига кириб келган Шарифа Салимова, Мухтарама Улугова, Хосият Бобомуродова, Қўтликбега Раҳимбоевнинг сафдоши ҳисобланган шоира, улардан фарқли ўлароқ, таржмон сифатида ҳам фаолият кўрсатди. Жумладан, у рус, чех, болгар, белорус, татар, озар, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ижодкорлари асарларини ўзбек тилига ўтирган.

Ана шу асарлар қаторида озарбайжонлик академик шоир Бахтиёр Ваҳобованинг ўзбек тилига ўтирилган “Бир олманнинг икки юзи — бири сенсан, бири мен” шеъри Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов ижросида қуйланган ва элга жуда манзур бўлган.

Дилбар Ҳайдарованинг асарлари ҳам, ўз навбатида, турли тилларга таржима қилинган. Россия, Ҳиндистон, Америка, Қозоғистонда ҳам китоблари чоп этилган.

Халқаро дўстлик алоқалари янги қайфиятда ривожланаётган сўнгги тўрт йил ичида шоира-таржмонининг ижодий ишлари салмоқли бўлди. Озарбайжон матбуотида, антологияларида шеърлари, публицистик мақолалари чоп этилди. У Ганжавий, Фузүлий, Марварид Дилбози, Нигорхоним, Нотавон сингари муқтос шоирларни, Бахтиёр Ваҳобовда, Нусрат Қасаманли, Рамиз Равшан, Михаил Мушфиқ каби қатор халқ шоирларининг ижодини ўзбекчага ўтирди. Ҳозирги озар адабиёти вакилларида Фарида Леман, Аёз Араба-чи, Илгор Тўрқ ўғли, Сулаймон Абдулла, Маъруф Султон, Табриза Пинхонинг ижоди билан ўзбек китобхоналарини таништирди.

2017 йилда озар шоирларининг “Ошиқ пари инжалари”, “Аёл ва бўлбул”, “Келиб кўринг Астарани” номли тўпламларини ўзбекчага ўтириб, тақдиротида Бокуда тўплам қайтган. “2019 йилнинг фаол журналисти” бўлиб, Озарбайжон элчихонаси ва Ҳайдар Алиев фонди томонидан мукофотланган.

Навбатчи муҳаррир: Исмаил Худоёров
Мусахҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 22:05 Топширилди — 00:20